

Узбекистон Республикаси
Кашкадарё вилояти
МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*Юридик манзил: Кашкадарё вилояти, Карши шахри, 180100, Мустакиллик-2, тел. +99891-4603010
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича МВ нинг 2008 й. 14 марта даги АФ №00376 раками лицензиясига эга.*

**«QARSHI MARKAZIY BUYUM SAVDO KOMPLEksi» АЖ нинг
2016 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботига
ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи: «QARSHI MARKAZIY BUYUM SAVDO KOMPLEksi» АЖ

Манзили: Карши шахри, Карликбогот кучаси.

Корхона раҳбари: О.Эркаев.

СТИР раками: 201 765 370. ОКОНХ коди 71270.

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти, Карши шахри, 7-миттитуман, 8/27-йда жойлашган, СТИР раками 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллый банки Кашкадарё филиали, МФО коди 00150, X/p. 20208000104153882001) директори (аудитор) Эргашева Зебо Эшмурадовна (аудитор малака сертификати раками № 4364, МВ томонидан 11.06.2007 й. берилган) томонидан «QARSHI MARKAZIY BUYUM SAVDO KOMPLEksi» АЖ нинг баланс, молиявий натижалар тугрисидаги хисоботдан иборат 31.12.2016 йил холатидаги молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «QARSHI MARKAZIY BUYUM SAVDO KOMPLEksi» АЖ илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текшируванин Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик утказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текшируванин режалаштиришни ва утказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, «QARSHI MARKAZIY BUYUM SAVDO KOMPLEksi» АЖ нинг 2016 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари буйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хакконий акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари, аудитор :-

3.ЭРГАШЕВА

2017 йил, 27 апрель

